



ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИСИНИНГ МАЪНАВИЙ ФАОЛЛИГИ

Очилов Хуршид Абдурашидович

Самарқанд вилояти хокимининг ёшлар сиесати, ижтимоий ривожлантириши ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Аннотация: *Мақолада, кейинги йилларда мамлакатимизда давлат фуқаролик хизмати масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳлил қилинган. Олиб борилаётган ислохотлар жараёнида жамиятнинг барча фуқароларида, жумладан, халқимизнинг ижтимоий фаолиятга лаёқатли бўлган, деярли барча қатлами билан мулоқот олиб боровчи давлат фуқаролик хизматчилари орасида маънавият билан боғлиқ ишларни юқори даражага кўтариши масаласи тадқиқот ишининг асосий мазмунини ташкил қилади. Мазкур масалани таҳлил қилишида, хорижлик мутахассислар ҳамда тадқиқот олиб борилаётган ҳудуд билан боғлиқ манбалардан фойдаланилди.*

Калит сўзлар: *давлат фуқаролик хизматчиси, ислохот, давлат органи, ходим, маънавий фаоллик, жамият, тараққиёт, фаоллик, ҳаракат, шахс маънавияти.*

THE SPIRITUAL ACTIVITY OF THE PUBLIC CIVIL SERVANT

Achilov Khurshid Abdurashidovich

Deputy of the governor of Samarkand region for youth affairs, social development and spiritual and educational affairs

Abstract: *In this article, it is analyzed that special attention is paid to the issue of public civil service in our country in recent years. In the course of the ongoing reforms, the main content of this research is to raise the level of spirituality among all citizens of the society, including state civil servants who are capable of conducting social activity and communicate with almost all layers of our people. In the analysis of this issue, foreign experts and sources related to the research area were used.*

Key words: *public civil servant, reform, public body, employee, spiritual activity, society, development, activeness, movement, individual spirituality.*

Кириш:

Илмий контекстни яратиш (establishing a context): Кейинги йилларда давлат фуқаролик хизмати масаласига эътибор анча ошди. Сабаби, бу лавозим бевосита халқимиз билан алоқа ва мулоқотнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун мамлакатимизда давлат фуқаролик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда давлат органлари ва ташкилотларни малакали мутахассислар билан таъминлашда ходимнинг



малакаси, юклатилган вазифаларга мувофиқлиги ва унинг жамиятни ривожланиш сари етаклашга бўлган маънавий фаоллиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқот билан боғлиқ адабиётларни ўрганиш (reviewing the literature): Тадқиқот олиб бориш жараёнида маълум бўлдики, жамиятимизнинг узок йиллик давлатчилик ривожидида давлат хизматчиларига нисбатан деярли эътибор қаратилмаган. Доимий равишда уларга ҳукмрон доира сифатида қаралаган. Бу эса йиллар давомида халқнинг давлат хизматчиларига нисбатан ишончсизлигига олиб келган.

Адабиётларни ўрганиш натижасида аниқланган муаммолар, ўрганилмаган муаммолар ва ўрганилмаган бўшлиқлар тавсифи (establishing a research gap): Ана шундай ишончсизликни бартараф этиш, давлат ва халқ ўртасидаги муносабатларда ишончли тизим ташкил этиш учун мамлакатимизда ислохотлар йўлга қўйилди. Жумладан, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августда ЎРҚ-788-сонли Қонуни қабул қилинди. Бунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14-октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сонли қарори қабул қилинди. Унда белгиланган давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқнинг намунавий қоидаларини ҳаётга тадбиқ қилишда илмий жамоатчилик томонидан кенг тадқиқотлар олиб борилиши, шу жумладан, уларда маънавий фаолликни ошириш масаласи бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, мазкур тадқиқот ишида давлат фуқаролик хизматчиларининг ислохотлар жараёнидаги маънавий фаоллиги, жамият ривожидидаги ўрни жараёнлар ва манбалар таҳлили асосида ёритиб берилган. Манбаларни таҳлил қилишда Шарқ мутафаккирлари, буюк шахслари, мамлакатимизда мустақилликдан кейинги йиллардаги давлат хизматчиси масаласига илк қарашлар ва Россия давлати олимлари томонидан давлат хизматига оид фикрлар таҳлил қилинган.

Аниқланган муаммолар ва бўшлиқлар асосида тадқиқот мақсадини ва вазифаларини аниқлаш (stating a purpose): Ўрганилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатимизда олиб борилаётган кейинги ислохотлар даврига маълум бир қарашлар тизими мавжуд бўлмаган. Тўғри аجدодларимиз томонидан давлат раҳбари ёки бошқарув кадрларнинг фаолияти билан боғлиқ қарашлар мавжуд. Масалан, Форобий, Низомулмулк ёки соҳибқирон Амир Темур ўғитлари бунга мисол бўла олади. Аммо собиқ совет тузуми даврида бу манбалар бутунлай таъқиқланган ва йўқ қилинган. Кейинги даврга келиб, давлат хизматчилари юқорида таъкидлаганимиздек, ҳукмрон доира вакилига айланган. Масалан, 2004 йилда чоп этилган “Давлат хизмати” ўқув қўлланмасида маъмурий ҳуқуқ тизимида юзага келаётган давлат хизмати ҳақида таҳлиллар берилди. Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик факультети талабаларига мулжаллаб тайёрланган мазкур қўлланмада давлат хизматининг ҳуқуқий асослари, тамойиллари, унинг вазифа ва функциялари, давлат хизматчилари, уларнинг таснифи ва ҳуқуқий ҳолати, давлат хизматини ўташ, шунингдек, давлат хизмати билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ёритиб



беришга[2] ҳаракат қилинсада, касбий нуктаи назардан, давлат хизмати ва давлат хизматчиси ҳуқуқий орган сифатида талқин қилинади. Шундай бўлсада, мазкур қўлланмани давлат хизмати янги босқичининг илк кўринишларидан бири сифатида қабул қилиш мумкин.

Мазкур масалада Россиялик олимларнинг фикрларига кўра давлат хизмати кўпроқ устивор аҳамият касб этиши талқин қилинади. Масалан, Ю.Н.Стариловнинг “Служебное право” дарслигида давлат хизматини мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида асослаб беришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга унинг кўрсатишича, “давлат хизмати ҳуқуқи - маъмурий ҳуқуқнинг махсус қисми булиб, давлат хизматини ташкил этишдан бошлаб токи унинг функцияланишигача булган жараённи, яъни: ижро ҳокимияти, давлат бошқаруви, маъмурий ҳуқуқ субъектлари, давлат бошқарув органлари, бошқарув усуллари ва маъмурий-ҳуқуқий шакллар, давлат мажбурлови, маъмурий жавобгарлик, ижро ҳокимиятидаги назорат каби маъмурий-ҳуқуқий институтларни ўзида бирлаштиради”[3]. Шунингдек, Б.М. Лазарев давлат хизматида “давлат хизмати - давлатга хизмат қилиш, яъни унинг талаби билан маълум бир пул мукофоти эвазига давлат органида давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга ошириш бўйича бўладиган фаолиятдир”[4] - деб, таъриф беради. Шунингдек, рус олими Д.Н.Бахрахнинг фикрича: “давлат хизмати ижтимоий категория булиб, давлат ташкилотидида маълум бир лавозимни эгаллаб турган шахс томонидан давлатнинг кўрсатмасига кўра ижтимоий фойдали фаолиятни амалга ошириш”[5] дир.

Биз тадқиқ қилаётган жараёнда эса, бугунги ислохотлар билан ҳамоҳанг тарзда давлат хизматчилари жамиятда ижтимоий сафарбарликни ташкил қилишдаги етакчилар сифатидаги аҳамиятини очишга ҳаракат қилинади. Бунда давлат хизматчиларининг маънавий фаоллиги масаласи асосий омил сифатида талқин қилинади.

Асосий қисм

Материаллар ва усуллар: Статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда давлат хизматида 118 минг нафар ходим меҳнат қилмоқда. Давлат хизматида 40 ёшгача бўлган ходимлар сони 37 фоиздан 61 фоизга етган. Шунга қарамадан, ҳали давлат хизмати чинакам халқни рози қиладиган тизимга айланмаган. Бу рақамлар замирида аниқ масъулият ва вазифалар бор. Хусусан, давлат хизматида меҳнат қилаётган кадрлар ўз устида тинимсиз ишлаши, билими ва касб салоҳиятини мунтазам ошириб бориши зарур. Давлат хизматчилари аҳоли билан ишлаш ва мурожаатларга жавоб беришда инсонлар психологиясини яхши билиши, шунга мос равишда муомала ва шахслараро мулоқот маданиятини мукамал эгаллаган бўлиши зарур[6].

Бу эса, айнан давлат фуқаролик хизматчисининг маънавий фаоллиги билан боғлиқ. Жамиятимиз тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлган “**Маънавий фаоллик – инсон ҳаёти фаолияти жараёнида доимо ўзининг ва атрофдагиларнинг маънавий оламини ривожлантириш, ижтимоий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, камчиликлар мавжуд жойларни мунтазам равишда маънавий жиҳатдан тўлдириб боришга қаратилган ташаббусларни амалга ошириш билан боғлиқ**



фаол ҳаракатдир". Бу эса, ўз навбатида фақат ижодкорлик сифатида эмас балки, инсон ақл тафаккурининг чек-чегара билмасдан тўхтовсиз ҳаракатда бўлиши билан ҳам белгиланади. Маънавий фаоллик тушунчасини ўрганиш жараёнидаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, у - бевосита ҳаракат тушунчаси билан боғлиқ. Хўш, ҳаракат нима ўзи?, унинг маънавий фаолликка қандай алоқаси борлигини билиш учун мазкур тушунчага изоҳ бериб ўтамиз. "Ҳаракат" – бу онг муҳитидаги ихтиёрий жараён бўлиб, шахснинг мияга берилган топшириғи асосида пайдо бўлади. Инсон танасидаги фаолият жараёни ҳаракатнинг юзага келишига олиб келади. "Ҳаракат – бутун мавжудотнинг яшаш усули. Мавжуд бўлмоқ энг аввало ҳаракатланмоқ ва ўзгармоқ демакдир. Зеро, бутун олам доимо ҳаракатда ва ўзгаришда бўлади"[7]. Бу ҳаракатлар – механик, физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий ҳаракатдан иборат ҳисобланади.[7]

Биз юқорида таъкидлаганимиз, фаоллик – ҳаракатдан иборат эканлиги нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, инсоннинг ҳатти-ҳаракатини унинг маънавий фаолигининг кўриниши сифатида баҳолаш мумкин. Тарихий манбаларда файласуфларнинг маънавий фаоллик тушунчаси билан боғлиқ ижтимоий-фалсафий қарашлари мавжуд. Унга кўра фаолият инсоннинг табиати билан боғлаб тушунтирилади. Масалан, машҳур юнон файласуфи (мил.ав. 384-322) Аристотель инсон ҳақида шундай фикр билдиради: "инсон табиатан ижтимоий мавжудотдир"[8]. Шу сабабли у – табиатан ижтимоий ва руҳан маънавий жиҳатдан ривожланади. Айнан ижтимоийлик, маънавийлик ва ахлоқийлик инсонни шахсга айлантиради ва унда маънавий хусусиятлар устувор бўлади.

Айнан маънавийлик, инсонни табиий мавжудотдан таълим-тарбия ва ижтимоий муҳит воситасида шахсга айланишига хизмат қилади. Шу маънода, биз "шахс" деганда **ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан етук инсонни тушунамиз**. Шахс ана шундай хусусиятлари билан индивид, инсон, одам ва фуқаро сифатида нисбатан фарқланади.

Натижалар: Тадқиқотда ҳар қандай натижага ўзига хос усуллар орқали эришилади. Бизнинг бугунги тадқиқотимизда тарихийлик, мантиқийликка асосланган қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилади. Шу ўринда шахс шаклланиш жараёнининг тарихий, мантиқий хусусиятларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мутахассислар шахснинг шаклланишини қуйидаги омиллар билан боғлиқ ҳолда кўришади:

- биологик;
- табиий омил;
- маданий муҳит таъсири;

• ижтимоий таъриба, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабат[9]. Айнан ушбу омиллар шахсни камол топишида асосий вазифани бажаради. Бинобарин, "Шахс - алоҳида индивид, моҳиятан яхлит ижтимоий-ахлоқий олам. У ўзида инсон моҳиятини, унинг мавжудот сифатидаги қадриятини мужассам этади."[10]. Ана шу қадриятлар инсонлараро ўзаро муносабатларнинг тўғри ташкил қилинишига хизмат қилади.



Айни пайтда, шахс фаолияти давомида жамият тараққиётига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, буюк Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405) XIV асрда шахс сифатида Осиё қитъасини мўғуллар истилосидан қутқариб, янги цивилизация учун ижтимоий-иқтисодий замин яратади. Шунингдек, Европа қитъасини усмонли Турклар босқинидан сақлаб қолиши ҳам ўша халқларнинг ривожланишига туртки бўлади. Аксинча, фашизм ғоялари раҳнамози Гитлер XX асрда инсониятга қарши уруш очди, Европа қитъасини истило қилди ва дунёнинг 32 давлатини урушга тортган бўлсада, у ҳам ўзига хос шахс сифатида намоён бўлади. Акс ҳолда, муайян кучлар Гитлери куллаб-қувватламаган бўлар эдилар[11]. Чунки у шахс сифатидаги ўзига хос қобилияти билан бошқаларни ишонтира олди. Аксарият буюк шахслар кўп ҳолларда ҳаётий, касбий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятда ўзгаларга ибрат бўлиши - шахснинг маънавий етуклиги ва фаоллигига боғлиқ бўлади. Бунда шахснинг индивидлик ривожланишида маънавийлик муҳим рол ўйнайди. Чунки, индивид ижтимоий функцияларни ўзлаштириш ва ўз-ўзини англашни ривожлантириш жараёнида шахс бўлиб етишади.

Шахс маънавий фаоллигининг ўзига хос мазмун-моҳиятини ўрганиш жараёнида қуйидаги уч элементдан ташкил топишини кўришимиз мумкин.

➤ Шахс – ижтимоий, маънавий ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган ва ўзининг содир этган хатти-ҳаракати учун мустақил жавоб бера олиши;

➤ Маънавийлик – тасаввур, идрок ва ҳиснинг мужассам бўлиши, бунда инсоннинг тафаккури моҳиятини маънавият асосида камол топиши;

➤ Фаоллик – кўзланган мақсад сари чуқур билим, юксак онг ва ахлоқий етуклик воситаси орқали илғор ҳаракатларни ўзида мужассам этади.

Бунда – мақсаднинг аниқлиги, илмий салоҳият, ахлоқий етуклик асосий мезон сифатида шакллантирилмоғи лозим.

Айнан ушбу мезонлар маънавий фаол шахс ҳаракат жараёнини ташкил этади. Албатта, шахснинг маънавий мақсад-муддаоси кенг кўламли бўлади ва унда, илмлилик муҳим аҳамиятга эга. Абу Ҳамид Ғаззолий “Ихё улум ад-дин” асарида шахс ҳаётида икки турли билимнинг муҳим ўрин тутишини асослаб кўрсатади: а) кашф илми; б) хулқ-атвор илми. Бунда кашф илми воситасида шахс ўзининг маънавий лаёқат ва имкониятларини кашф қилади, хулқ-атвор илми воситасида эса ахлоқий сифат ва фазилатларни ўзлаштиради[12]. Демак, билимлилик - шахс маънавий фаоллиги мезонларининг муҳим асоси сифатида намоён бўлади. Эътибор берилса, бундай ёндошув шахс маънавий имкониятларини кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шахс маънавий фаоллигининг муҳим мезонларидан яна бири - ахлоқий етуклик. Бу ижтимоий ҳодисасиз шахс жамиятда ўз мавқеига эга бўлмайди. Бу мезон шахсни икки муҳим омил билан қуроллантиради:

1) меъёрий муносабатга эга бўлиш;



2) ижтимоий фаолият кўникмасини эгаллаш. Мазкур омиллар шахс маънавий фаоллигининг амалий жиҳатини белгилайди. Бунинг учун шахс қуйидаги малакаларга эга бўлиши керак:

- эзгулик ва ёвузликни тезкор фарқлаш;
- ўзига озор етмаслик учун ўзгаларга озор бермаслик;
- ахлоқий фаолиятда ўзгаларга ибрат бўлиш.

Мазкур ёндошувимиз янгиликка даво қилмасада, лекин унда шахс маънавий фаоллиги мезони бўлган ахлоқий етуклик мазмуни ўз ифодасини топганини таъкидлаш жоиз. Зеро, шахс маънавий фаоллигининг натижавий мезони - фаолият самарадорлигидир. Унга кўра, олижаноб мақсад-муддао, чуқур билим, юксак онг ва ахлоқий етукликка эга шахс самарали маънавий фаолият кўрсата олади. Бу самара икки кўринишда намоён бўлади:

1) шахс ўз мақсадига эришиб фаровон ҳаёт кечиради;

2) шахс касбий фаолиятда ўзгаларга тажриба тақдим қилади. Мазкур ҳосила шахс маънавий фаоллигини баҳолаш имконини беради. Инсонда фаолликнинг бу турлари ҳар бир шахсда муайян даражада бўлади. Айни пайтда, шахс ва жамият ҳаётида нисбатан маънавий фаоллик муҳим ўрин тутаяди. Шу жиҳатдан маънавий фаоллик шахсни икки муҳим ҳаракатга йўналтиради:

- ҳаётий фаоллик;

- касбий фаоллик каби турларга йўналтиришини кўришимиз мумкин. Маълум бўладики, шахс маънавий фаоллиги мезонлари ўзига хос хусусиятларга эга ва улар инсоннинг маънавий имкониятларини кенгайтириб боради.

Мунозара: Ана шу маънавий имкониятларнинг кенгайишига йўл қўймаслик ёки уларни бутунлай йўқ қилишни мақсад қилган иллатлар борки, улар ҳам кундан-кун кўпайиб, такомиллашиб бормоқда. Улар умумий маънодаги шахс маънавий фаоллиги тушунчасининг зидди - маънавий пассивликдир. Унга кўра, маънавий заиф, ночор ва мутассиб киши маънавий фаолсиз бўлади. Негаки бундай кишилар маънавиятида шахсий (индивидуал) манфаатлар устувор бўлади. Маънавий пассив муҳит, нотўғри тарбия ва таъсирнинг ҳосиласи ҳисобланади. Агар маънавий фаол шахс ўзининг, миллатининг ва жамиятининг тақдири ҳамда тарққиёти учун масъулият сезса, маънавий фаолсиз киши ўзи ва ўзи мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ манфаатлари билан чекланади. Бундай ҳолнинг айниқса, демократик жамият шароитида рўй бериши эҳтимоли юқори бўлади. Маънавий пассивликка – уни чекловчи ёки қадрсизланишига қаратилган иллатлар сабаб бўлади. Шу сабабли “Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати”да қуйидаги, эътиборга олиниши шарт бўлган маънавий иллатлар шарҳлаб ўтилган: авторитар онг, агрессив хулқ, адоват, бепарволик, бефарқлик, ватанфурушлик, гегемонизм, геноцид, гиёҳвандлик; зўравонлик; коррупция, мафкуравий таҳдид; маънавий бузғунчилик, маънавий заифлик, маънавий қарамлик, маҳаллийчилик, миллатчилик, нацизм; радикализм; эгоизм; ғоявий бўшлиқ, ғоявий қарамлик, ғоясизлик[9], каби 180дан ортиқ иллатлар қайд этилган. Улар шахснинг нафақат маънавий фаоллигига салбий таъсир кўрсатади, балки уни маънавий



айнишига ҳам олиб келади. Шу сабабли бундай иллатларга қарши жамият миқёсида курашиш тақоза этилади.

Бундай курашга киришиш учун ғоявий-мафкуравий билим зарур бўлади. Ўтмиш воқеалари битилган тарихий асарларда ғоявий билим бериш устувор даражада акс этган. Бу ҳақда кейинги пайтларда олиб борилган тадқиқотларда ҳам кузатиш мумкин[13]. Мисол учун, Низом ул-мулкнинг (XI аср) “Сиёсатнома” асарида жамият аъзоларини давлат, жамият ва халқ иши учун фойдали қилиб тарбиялаш ғояси илгари сурилади. Бунинг учун уларга қуйидаги ғоявий билимларни бериш керак:

- Давлат ишларида фаол иштирок этиш;
- Ватанни душмандан асраш;
- Раиятнинг хизматида бўлиш;
- Фаолият юритишда билим кучига таяниш;
- Яхшилардан ибрат олиб, ёмонлардан ҳазар қилиш.

Мазкур тавсиялар фуқаролар онгида юртпарварлик, фидойилик каби хусусиятлар кучайишига хизмат қилади ва улар ижтимоий-маънавий жиҳатдан фаоллашади. Бинобарин, биз олиб бораётган тадқиқот натижасида маънавий фаол шахс сифатида шаклланган давлат фуқаролик хизмати ходимларидан таркиб топиши масаласи назарда тутилади.

Тадқиқотимиздан мақсад - давлат фуқаролик хизматчисининг маънавий фаоллигини ошириш масаласининг таҳлили ва эришилиши лозим бўлган натижалар экан, бу ўринда таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш ва илмий жамоатчиликка тақдим этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидагиларни таклиф сифатида қайд этишни лозим топдик:

Биринчидан, давлат фуқаролик хизматчисининг маънавий фаоллигини оширишдан асосий мақсад – фуқароларга ташкилий-ҳуқуқий кўмак бериш билан бирга, маънавий таъсир курсатиш. Бунда

- ўзаро ҳурмат мулоқотини шакллантириш;
- умумий қарашларда мавжуд миллий фазилатлар ва қадриятларни замонага мос ҳолда қайта таркиб топтириш;
- уларнинг келгуси ҳатти-ҳаракатларига таъсир ўтказиш;
- ташаббускорлик ва ҳамкорлик ҳаракатларини фаоллаштириш билан боғлиқ узоқ муддатли ва тизимли дастурини ишлаб чиқиш;

Иккинчидан, бундай катта ҳажмдаги масъулиятни функционал вазифанинг таркибий қисми сифатида қабул қилишлари учун давлат фуқаролик хизматчилари ўз-ўзини фаоллаштиришлари билан бирга, маънавий-маърифий билим ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб боришлари талаб этилади. Бу эса белгиланган муддатда, энг камида бир йилда бир марта мутахассислар томонидан малакавий ўқув машғулоти ўтказишлари шарт эканини кўрсатади. Бунда:

- янги давлат ва жамият барпо этиш жараёнида одамларнинг онги, дунёқараши ва руҳиятини янгиланиш ҳосил қилинишига эришиш;



- ижтимоий давлат ва ижтимоий сиёсат тушунчаларининг мазмун моҳиятини чуқур сингдириш;

- жамиятда миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигини таркиб топтириш;

- жамиятда жипслик ва барқарор ижтимоий муҳитни сақлаб қолишда фаоллик кўрсатиш;

- жамият мафқурасига оид тушунчаларни мунтазам сингдириш билан боғлиқ билимларни ўргатиб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Бинобарин, бизнинг жамиятимизда мафқуравий бўшлиқни тўлдирувчи, ижтимоий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи асосий куч маънавият бўлиб, уни юксалтиришга хизмат қилиш барчанинг бурчидир. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди.

Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглар? Бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида кетяпти!

Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафқуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси айниқса фаол бўлишлари лозим" [1].

Унутмаслик лозимки, жамиятнинг барча фуқароларида, жумладан, халқимизнинг ижтимоий фаолиятга лаёқатли бўлган, деярли барча қатлами билан мулоқот олиб боровчи давлат фуқаролик хизматчилари орасида маънавият билан боғлиқ ишларни юқори даражага кўтариш - халқимизнинг маънавий фаоллашувига хизмат қилади.

Фойдаланилган дабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусида ўтказилган анжумандаги нутқидан.

2. Ҳожиёв Э.Т. Давлат хизмати. Ўқув қўлланма. Тошкент, Ташкент Давлат юридик институти, 2004, б.3

3. Стариков Ю.Н. Служебное право. Учебник. Москва, БЭЖ, 1996, с.4-5

4. Лазарев Б.М. Государственная служба. Москва, 1993, с.5-6.

5. Бахрах Д.Н. Административное право. Москва, 1993, с.102.

6. Ишмуратова С. Давлат хизмати фаолиятига янгича ёндашув. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. Расмий веб-сайт. <http://insonhuquqlari.uz/uz/news/m8397>

7. Жаҳон фалсафаси қомуси. Қ.Назаров. "Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти" Тошкент-2016 йил. 707б.



8. Аристотель. Политика. -М.: Мысль. 2006. -с. 54.
9. Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. -Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. Т.: 2009. 632-б.
10. Шахс. Qomus.Info. ONLAYN ENSIKLOPEDIYA. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-sh/shaxs-uz/>
11. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. - Т.: “Муҳаррир”, -2009. -Б.15
12. Газали А.Х. Воскрешение наук о вере. -М.: Наука. 1983. 60-103-с.
13. Тўраев Ш.Н. “Ўзбекистонда демократик жамият қуришда миллий ғоянинг аҳамияти” мазуидаги номзодлик диссертацияси. 2007 йил 13 декабрь. Ижтимоий фалсафа – 09.00.11. УДК-1:131 (575.1)